

ЎЗБЕК ТИЛИНИ ИККИНЧИ ТИЛ СИФАТИДА ЎҚИТИШДА ТИНГЛАБ ТУШУНИШ КЎНИКМАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Хадича Сабировна МУХИТДИНОВА

Педагогика фанлари доктори, профессор

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Тошкент, Ўзбекистон

ФОРМИРОВАНИЕ НАВЫКОВ АУДИРОВАНИЯ ПРИ ОБУЧЕНИИ УЗБЕКСКОМУ ЯЗЫКУ КАК ВТОРОМУ

Хадича Сабировна МУХИТДИНОВА

доктор педагогических наук, профессор

Узбекский государственный университет мировых языков,

Ташкент, Узбекистан

DEVELOPING LISTENING SKILLS IN TEACHING UZBEK AS A SECOND LANGUAGE

Khadicha Sabirovna MUKHITDINOVA

Doctor of Pedagogical Sciences, Professor

Uzbek State University of World Languages,

Tashkent, Uzbekistan

UDC (УЎК, УДК): 371.671:494.3

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Мухитдинова Х. С. Ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитишда тинглаб тушуниш кўникмасини шакллантириш.//Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 3 (38). — С. 114-127.

<https://doi.org/10.36078/1624863506>

Received: April 28, 2021

Accepted: June 17, 2021

Published: June 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Аннотация. Мақолада таълим ўзга тилларда олиб бориладиган мактаблар ва гуруҳларда ўқувчи-талабаларнинг ўзбек тили тинглаб тушуниш кўникмасини шакллантириш, ушбу тил кўникмалари бўйича давлат таълим стандартларида белгиланган талаблар, уларни бажаришда дуч келинаётган муаммолар, уларни бартараф этиш йўллари ҳақида фикр юритилган. Давлат таълим стандартларида фақат бошланғич таълимдагина тинглаб тушуниш оид талаблар белгиланганлиги, ўзбек тили дарсларида эшитиш орқали тўғри талаффузни ўргатишга жиддий эътибор қаратмаслиги бу кўникмани шакллантириш устида давомли иш олиб бормаслиги оқибатида талаффуз хатолари ўқувчилар нутқида мустаҳкамланиши хатто юқори таълим босқичларида ҳам сақланаётганлиги қайта этилган. Таълим ўзга тилларда олиб бориладиган мактаблар ва гуруҳларда ўқувчи-талабалар контингентининг ҳар хиллиги, би гуруҳда турли тузилишли ва генетик келиб чиқиши турлича бўлган тил вакиллари ўқиши туфайли уларда она тили интерференциясини бартараф этиш учун товушларни қиёслаб ўргатишда муайян қийинчиликларни юзага келтириши, иккинчи томондан, теъдир афрофдаги тил муҳитида турли шевадарда гапирувчиларнинг салбий таъсири кучлилиги, хатто шевадар элементлари ўқитувчилар нутқида ҳам сезилиб туриши ўқувчи-талабаларда ўзбекча жонл нутқни эшитиш асосида тушуниш ва нутқий бирликларни тўғри талаффуз қилишни шакллантириш имкониятларини чегаралаб қўяётгани ҳақида мулоҳазалар баён этилган. Шулардан келиб чиққан ҳолда ўзбек тилини ўқитишда тинглаб тушуниш кўникмасини шакллантиришга кўпроқ эътибор қаратиш, даъжараёнида шартли нутқий вазиятлар яратиш, табиий нутқий вазиятлардан, эшитиш машқларидан самарали фойдаланиш йўллари тавсия этилган.

Калит сўзлар: ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитиш; таълим ўзга тилларда олиб бориладиган мактаблар ва рус гуруҳлари; мавжуд муаммолар; давлат таълим стандартлари талаблари; нутқ фаолияти турлари; тинглаб тушуниш; гапириш; ўқиш; ёзиш; тинглаб тушуниш кўникмасини шакллантириш; она тили интерференцияси; шеванинг салбий таъсири; табиий нуткий вазиятлар; шартли нуткий вазиятлар; эшитиш машқлари.

Аннотация. В статье рассматриваются вопросы формирования у учащихся школ и групп с иноязычным обучением навыков аудирования на узбекском языке, требования, установленные государственными образовательными стандартами по данным языковым навыкам, проблемы, возникающие при их выполнении, а также способы их устранения. Также излагаются причины закрепления и сохранения произносительных ошибок в речи учащихся. По мнению автора, причиной тому является то, что в государственных образовательных стандартах установлены требования к аудированию только на начальном образовании, не уделяется должного внимания обучению правильному произношению на уроках узбекского языка, не ведется постоянная работа по формированию этого навыка. Приводится мнение о том, что при сравнительном обучении звукам в школах и группах, где обучение ведется на других языках, для устранения у них интерференции родного языка появляются трудности, обусловленные разнообразием контингента учащихся, обучением в одной группе представителей разных по структуре и генетическому происхождению языков, с другой стороны, сильное негативное влияние говорящих на разных диалектах узбекского языка в языковой среде, даже когда элементы диалектов встречаются в речи учителей, создаются определенные трудности для понимания учащимися на основе прослушивания живой узбекской речи, ограничивающие возможности формирования у них правильного произношения речевых единиц. Исходя из этого, автором рекомендовано уделять больше внимания формированию навыков понимания на слух, создавать на занятиях условные речевые ситуации, эффективно использовать естественные речевые ситуации, слуховые упражнения при обучении узбекскому языку.

Ключевые слова: обучение узбекскому языку как второму языку; школы и русские группы с иноязычным обучением; требования государственных образовательных стандартов; виды речевой деятельности; формирование навыков аудирования; говорения; чтения и письма; интерференция родного языка; негативное влияние диалектов; естественные речевые ситуации; условные речевые ситуации; упражнения по аудированию.

Abstract. The article discusses the formation of listening skills in the Uzbek language among students of schools and groups with foreign language teaching, the requirements established by state educational standards for these language skills, the problems arising during their implementation, as well as ways to eliminate them. It also sets out the consolidation and preservation of pronunciation errors in the speech of students, the reason for this is that the state educational standards establish requirements for listening comprehension only in primary education, do not pay due attention to teaching the correct pronunciation aloud in the Uzbek language lessons, there is no constant work on the formation of this skill. The opinion is given that in comparative teaching of sounds in schools and groups where teaching is conducted in other languages, in order to eliminate the interference of their native language, difficulties arise due to the

diversity of the contingent of student students, teaching in one group of representatives of different structure and genetic the origin of languages, on the other hand, the strong negative influence of speakers of different dialects in the language environment, even when elements of dialectism are felt in the speech of teachers, creates certain difficulties for students to understand on the basis of listening to vivid Uzbek speech, limiting their ability to form the correct pronunciation of speech units. Based on this, the author recommended to pay more attention to the formation of listening comprehension skills, to create conditional speech situations in the classroom, to effectively use natural speech situations, listening exercises when teaching the Uzbek language.

Keywords: Teaching Uzbek as a second language; schools and Russian groups with foreign language teaching; existing problems; requirements of state educational standards; types of speech activities; the formation of listening; speaking; reading and writing skills; the interference of the native language; the negative influence of the dialect; natural speech situations; conditional speech situations; listening exercises.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019йил 21 октябрдаги “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ 5850-сон Фармонида мамлакатимизда давлат тилини тўлақонли жорий этишни таъминлаш, ўзбек тилининг мамлакатимиз худудида истиқомат қилувчи барча миллатлар ва элатлар томонидан ўрганилиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Дарҳақиқат, республикаимизда истиқомат қилувчи русийзабон ва бошқа турли миллат вакилларининг мамлакатимизнинг тенг ҳуқуқли фуқаролари сифатида ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жабҳаларда кенг фаолият олиб боришлари учун давлат тилини билишлари ва эркин қўллаш олишлари керак бўлади. Шу боис бугунги кунда ўзбек тилини ўрганиш шахсий эҳтиёжгина эмас, балки жамиятнинг муҳим ижтимоий талабларидан бирига айланди. Бу таълим ўзга тилларда олиб бориладиган гуруҳларда ўзбек тилини ўқитиш мазмунини янада такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Таъкидлаш керакки, мамлакатимизда яшовчи фуқароларнинг анчагина қисми таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар ва рус гуруҳларида таълим оладилар. Бирок ушбу гуруҳлар контингентининг ҳар хиллиги, бир синф ёки бир гуруҳда ўзбек халқининг фарзандлари ҳам, қардош туркий тиллар вакиллари, шунингдек, тузилиши ва генетик келиб чиқиши турлича бўлган тиллар вакиллари ҳам таҳсил олиши ўқувчи-талабаларнинг нутқий компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришда муайян муаммоларни юзага келтириб, гуруҳларда она тили интерференцияси устида ишлаш имкониятини чеклаб қўймоқда. Ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўрганувчилар республикаимизда тил муҳитида яшаётганлари ҳолда атрофда жонли тилда шевада сўзловчилар кўплиги, айрим ҳолларда ҳатто ўқитувчиларнинг нутқида ҳам шеванинг таъсири сезилиб туриши уларда тўғри талаффуз меъёрларини шакллантиришда муайян тўсиқларни юзага келтирмоқда. Шу боис мазкур мақолада республикаимизнинг давлат тилини мамлакатимизда яшовчи турли миллатлар вакилларига иккинчи тил сифатида ўқитишда ўқувчи-талабаларнинг тинглаб тушуниш ва гапириш компетенцияларини шакллантириш ва ривожлантиришда ушбу муаммоларни бартараф этиш масалаларига эътибор қаратилди.

Асосий қисм. Ўзбекистон кўп миллатли республика бўлиб, мамлакатнинг умумий ўрта таълим мактабларида таълим 7 тилда: ўзбек,

қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида олиб борилади. Ўзбек тили республиканинг таълим ўзбек тилидан бошқа тилларда олиб бориладиган умумтаълим мактабларида, узлуксиз таълим тизимининг кейинги босқичларида эса рус ва қорақалпоқ тилларида олиб бориладиган гуруҳларда давлат тили сифатида ўқитилади. Бундан кўзланган асосий мақсад мамлакатимизда яшовчи турли миллатлар фарзандларининг ўзбек тилини давлат тили сифатида кундалик меҳнат ва ижтимоий фаолият учун етарли даражада амалий эгаллашларини таъминлаш, ўзбек тили воситасида барча ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда инсонлар ўртасидаги турли муомала вазиятларида оғзаки ва ёзма тарзда эркин нутқий мулоқот юритиш малакаларини шакллантиришдан иборат.

Ўзбекистонда яшовчи барча миллат вакилларининг ўқиш ва ишлаш жараёнида маҳаллий миллат вакиллари билан тенг муносабатда бўлишлари, барча соҳаларда эркин фикр алмашишлари учун ўзбек тилидан билим, кўникма ва малакаларни етарли даражада эгаллашлари талаб этилади. Бунинг учун таълим олувчиларда ўзбек тилидан эгалланган билимлар асосида амалий нутқий кўникмаларни шакллантириш, уларни босқичма-босқич ривожлантириб бориш орқали нутқий малака ҳосил қилиш ҳамда эгалланган билим, кўникма ва малакаларни турли мулоқот вазиятларида эркин қўллаш лаёқатини таркиб топтириш зарур.

Нутқ фаолияти тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш ва ёзиш кўникмаларидан иборат бўлиб, нутқий компетенцияни таркиб топтириш ушбу 4 амал бўйича тил кўникмаларини шакллантириш керак бўлади. Таниқли олим М. Т. Ирискулов мамлакатимизда чет тилларни ўқитишда олиб борилган ишларнинг самарали натижалари бўйича берган интервьюсида куйидагиларни таъкидлаган эди: “Илгари анъанавий ёндашувда тилнинг ҳар бир бўлими алоҳида-алоҳида ўргатиладди. Ойлаб талаффузни, яни фонетикани ўргатардик. Бунда ўрганилаётган сўзлар талаффуз қоидаларига тўғри келса бўлди, ҳаётда қўлланиш даражасига эътибор берилмасди.

Бугунги кунда хорижий тилларни ўқитишда грамматика — таржима методидан воз кечилиб, ҳам талаффуз, ҳам грамматика, сўз танлаш, гапириш, тинглаб тушуниш, ёзув бир вақтда олиб борилади. Эндиликда биринчи кундан ўша тилда гапиришни ўргатишга эътибор берилмоқда. Илгари ўқиганлар талаффуз қоидаларини, грамматикани яхши билишарди, лекин мулоқотда қийналишарди. Бугунги вазифамиз назарияни амалиёт билан олиб боришдир ҳамда малакалар интеграцияси асосида олиб боришга устувор аҳамият бериш муҳим аҳамият касб этади” (2, 27).

Иккинчи тил таълимида хорижий тиллардаги каби нутқ жараёнида тинглаб тушуниш ва гапириш фаолияти ўта муҳим ўрин тутди. Гапириш тушуниш жараёнида, тушуниш эса гапириш жараёнида шаклланади, шу боис тинглаб тушунишга узоқ вақтлар давомида тилларни ўқитишда гапиришнинг узвий қисми деб қараб келинган. Тинглаб тушуниш ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб нутқ фаолиятининг алоҳида тури сифатида кўрила бошланган.

Тил ўрганишда муҳитнинг ўрни ва аҳамияти жуда катта. Тилни тил муҳити бор бўлган ва бўлмаган жойда ўрганилиши тинглаб тушуниш қийинчиликларининг камайиши ёки ортишига олиб келади. Тил муҳити мавжуд шароитда тинглаб тушуниш компетенцияси болалиқдан бир мунча шаклланган бўлгани учун нутқ фаолиятининг бу тури гапириш фаолиятининг бир қисми сифатида тушунилади. Одатда, савол-жавоблар вақтида русийзабон ўқувчи-талабалардан ўзбек тилида гапириб бериш сўралганда, “Понимаю, но не умею говорить” деган эътирофларни кўп

эшитамиз. Ўзбек тили дарсларида тинглаб тушунишга оид машқларнинг нисбатан кам ўтказилишининг сабабларидан бири шунда.

Маълумки, иккинчи тилни ўқитишда ҳам хорижий тиллар таълимидаги каби нутқ фаолияти турлари юзасидан муайян кўникма-малакалар шакллантирилиши ва ривожлантириб борилиши керак. Бироқ ўзбек тили дарсларида одатда ўқиш, ёзиш ва сўзлаб беришга устувор аҳамият берилгани ҳолда, тинглаб тушунишга доир машқ ва топшириқлар деярли бажартирилмайди. Аксарият “Ўзбек тили” дарсликларидан ҳам нутқ фаолиятининг бу тури бўйича топшириқлар киритилмаган.

Таълим ўзга тилларда олиб бориладиган мактаблар ва гуруҳларда ўзбек тилини ўқитишдан асосий мақсад ҳам ўқувчиларга ўзбек тилининг изчил грамматикасини ўргатиш эмас, балки уларда ўзбекча нутқий малакаларни ҳосил қилишдир. Бу тил таълимининг ҳар бир босқичида ушбу тил кўникмаларини мунтазам шакллантириш ва босқичма-босқич ривожлантириш орқали амалга оширилади. Шундан келиб чиққан ҳолда ўзбек тилининг А1 даражаси талабларига кўра бошланғич босқичда ўқувчиларда нутқ фаолияти турлари бўйича қуйидаги тил кўникмаларини шакллантириш белгилаб қўйилган:

Тинглаб тушуниш бўйича: дарсга оид кўрсатмалар ва ўқитувчи нутқини, ўзаро савол-жавобларни, кичик матнлар, топишмоқ, эртақ ва ҳикояларни тинглаб тушуна олиш;

Гапириш бўйича: ўзбек тилининг специфик нутқ товушларини тўғри талаффуз қилиш, саломлашиш, ўзини ва манзилгоҳини тушунтириш, илтимос қилиш, кечирим сўраш, раҳмат айтиш, табриклаш, воқеа-ҳодиса ёки нарса-буюм тасвирини содда баён қилиш, топишмоқ ва тез айтишларни айтиб бера олиш, ўрганилган шеърларни ифодали ёд айтиш, эртақлар ва ҳикоялар мазмунини сўзлаб бериш, ёшига мос содда тақдиротлар қила олиш;

Ўқиш бўйича: ўзбек тилининг специфик нутқ товушларини тўғри ўқиш, дарак, сўроқ, буйруқ гапларни мос оҳангда ўқиш, шеърларни ифодали ўқиш, ўзлаштирилган тил материалдан иборат қисқа матнлар, ҳикояларни синтагмаларга тўғри ажратиб ўқиш;

Ёзиш бўйича: ўзбек тилининг специфик нутқ товушларини ҳуснихат ва имло қоидалари асосида тўғри ёзиш, сўз, сўз бирикмаси ва ихчам матнни тўғри кўчириб ёзиш; шахсий маълумотларни (исм-шарифи, уй манзили) ёза олиш содда хабарларни ёзиш (табриклар, эслатмалар, электрон хатлар ва б.); эшиттирилган содда матнни тўғри ёза олиш.

Шу боис бошланғич таълимда асосан ўқувчиларнинг луғат бойлиги устида ишлаш, ўрганилган сўзлар таркибидаги ўзбек тилининг нутқ товушларини тўғри талаффуз қилиш, сўзлар, сўз бирикмалари ва гапларни тўғри ўқиш ва ёзиш, гапириш кўникмаларини ҳосил қилишга қаратилади. 2-4-синфлар ўқув дастурида белгиланган нутқий мавзулар бўйича берилган луғат — лексик минимум, нутқ намуналарини тинглаб тушуниш ва сўзлаш, ўқиш ва ёзиш амаллари устида ишлаш орқали ўзлаштириш режалаштирилган бўлиб, 2-синфда ДТС талаблари бўйича ушбу талабларни бажариш 2 босқичда амалга оширилиши кўзда тутилади:

Биринчи — алифбо босқичида қуйидаги тил кўникмаларини шакллантириш белгиланган:

талаффуз қилиш бўйича: ўзбек тилига хос нутқ товушларини тўғри талаффуз қилиш; сўз ва сўз бирикмаларини тўғри талаффуз қилиш;

сўзлаш бўйича: топишмоқлар, тез айтишлар, қўшиқларни, кичик ҳажмдаги шеърларни ёддан айтиш;

ёзиш бўйича: мавзуга оид сўз ва сўз бирикмаларини тўғри ёзиш;

Ўқиш бўйича: сўзларни бўғинлаб ўқиш, мавзу бўйича берилган кичик шеърларни ўқиш.

Иккинчи — луғат бойлигини ўстириш босқичи ўқувчилар барча нутқ товушларини ўзлаштириб олгандан кейинги даврни қамраб олади. Ушбу босқичда ўқиш ва ёзиш амалларига тинглаб тушуниш ва сўзлаш амаллари ҳам қўшилган ҳолда дастурда берилган лексик минимум ва нутқ намуналарини ўзлаштириш ва қуйидаги тил кўникмаларини шакллантириш кўзда тутилган:

тинглаб тушуниш бўйича: ўқитувчининг топшириқларини, кундалик мулоқотга оид сўз ва жумлаларни тинглаб тушуниш;

гапириш бўйича: саволларга жавоб бериш, ўз исми, фамилияси, ёши, яшаш манзили ва ўқиш жойи, ота-онаси, ака-укаси, опа-синглиси ҳақида қисқа сўзлаб бериш;

ўқиш бўйича: қисқа диалогик матнларни оҳангга риоя қилган ҳолда тўғри ўқиш, мавзу бўйича берилган шеърларни ифодали ўқиб, ёддан айтиш;

ёзиш бўйича: мавзулар бўйича ўзлаштирилган сўзларни, 2-4 та йиғиқ гаплардан иборат матнни кўчириб ёзиш; ўзлаштирилган сўзларни бўғинларга ажратиб ёзиш; 10-12 та сўздан иборат диктант матнини тўғри ёзиш.

Кўринадики, бошланғич таълимда топшириқларни, кундалик мулоқотга оид сўз ва жумлаларни тинглаб тушунишдан бошқа талаблар белгиланмаган.

Афсуски, алифбо босқичида талаффуз меъёрлари бўйича ўзбек тилига хос нутқ товушларини тўғри талаффуз қилиш; сўз ва сўз бирикмаларини тўғри талаффуз қилиш кўрсатилгани ҳолда, бироқ тўғри талаффуз меъёрларини кейинги босқичларда мунтазам давом эттириш кўзда тутилмаган.

Орфоэпик талаффуз меъёрларини ўргатмаслик охир-окибатда синф (аудитория)дан ташқаридаги нутқни тушунишни ҳам, тил соҳиблари билан мулоқотга киришишни ҳам қийинлаштириб қўяди. “Ўзбек тили” дарсликларининг бир йўла таълим рус, қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман ва тожик тилларида олиб бориладиган мактаблар учун умумий тарзда ёзилиши ва чоп этилиши ҳам бу борада қатор муаммолар юзага келишига олиб келмоқда. Ушбу муаммолар:

- қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман тиллари генетик жиҳатдан бир оилага мансуб қардош тиллар эканлигидан;
- рус ва тожик тиллари эса генетик жиҳатдан ҳам, тузилиши жиҳатидан ҳам ўзбек тилидан фарқланиши туфайли улар ўртасида фарқ-тафовутларнинг кўплигидан;
- таълим рус тилида олиб бориладиган мактабларда қардош тиллар вакиллари, шунингдек, ўзбек халқининг фарзандлари ҳам кўпчиликни ташкил этишидан келиб чиқмоқда.

Бу ҳолат бир гуруҳда ўзбек тилини билиш даражалари турлича бўлган ўқувчи-талабаларнинг таҳсил олишига олиб келмоқда. Шундан келиб чиқиб, бугунги кунда таълим ўзга тилларда олиб бориладиган мактабларда ўқийдиган ўқувчи-талабаларни қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

- ўзбек тилини яхши биладиган туркийзабон ўқувчи-талабалар (улар орасида ўзбеклар ҳам бор);
- ўзбек тилини яхши билмайдиган туркийзабон ўқувчи-талабалар (улар орасида ўзбеклар ҳам бор);
- ўзбек тилини нисбатан яхши биладиган русийзабон ўқувчи-талабалар (улар орасида ўзбеклар ҳам бор);

— ўзбек тилини тушунадиган, бироқ ўзбек тилида гапира олмайдиган русийзабон ўқувчи-талабалар.

Албатта, бундай шарт-шароитда иккинчи тил таълимида камида икки тилнинг — таълим олувчининг она тили ва ўрганилаётган тилларнинг ўзаро таъсири юз беришини кузатиш мумкин. Бир тилга хос кўникманинг бошқа тилга кўчиши инсон руҳиятининг мураккаб фаолияти билан боғлиқ бўлиб, инсон тафаккурида унинг она тили тизими билан бевосита ва билвосита боғлиқ ассоциацияларни юзага келтиради. Бу, айниқса, хорижий тил тизимининг тузилиши ва бошқа хусусиятлари билан она тилига мос келмайдиган қисмларида пайдо бўлади.

М.Джусупов фикрича, “Туркий тилли ўқувчиларнинг рус тилини ва, аксинча, русийзабон ўқувчиларнинг туркий тилларни ўрганиши жараёнида талаффуз билан боғлиқ хатоларнинг асосий қисми урғу ва носпецифик нутқ товушлари артикуляциясини яхши ўзлаштирмасликдан келиб чиқади” (5, 78).

Рус гуруҳларида ўзбек тилини ўқитишда энг кўп учрайдиган хатолардан бири сўз урғуси таъсирида юзага келадиган фонетик интерферентив хатоликлардир. Маълумки, ўзбек тилида сўз урғуси турғун (боғлиқ) урғу бўлиб, асосан сўзнинг охириги бўғинига тушади. Сўз ўзагига кўшимчалар кўшилиб боргани сари урғу ҳам охириги бўғинга кўчиб бораверади. Фақат урғу олмайдиган кўшимчалар қўллангандагина урғу бошқа бўғинларга тушиши мумкин. Масалан: ишчи (урғу охириги бўғинда), иш-чи? (-чи юкламаси ўзбек тилида урғу олмайди, шу боис урғу биринчи бўғинда). Рус тилида эса сўз урғуси эркин бўлиб, сўзларнинг турли бўғинларига тушади. Бу икки тилдаги ноўхшашлик ҳодисаси нафақат рус тилини ўрганаётган ўзбекларга, балки ўзбек тилини ўрганаётган русийзабон ўқувчилар учун ҳам муайян қийинчиликлар ҳосил қилиши табиий.

Айниқса, рус тилидаги сўз урғусининг 1- ва 2- , яъни урғудан олдинги (предударная позиция) ва урғудан кейинги (заударная позиция) ҳолатларида о, а, и унли товушлари талаффузида фарқланиши интерференциянинг кучайишига олиб келади. Бу ҳодиса кўп ҳолларда ўзбек тилида унлиларнинг бузиб айтилишига ва хато ёзилишига сабаб бўлаётганини кўриш мумкин. Русийзабон фуқароларнинг Тошкент, Юнусобод, Оқтепа сўзларидаги каби барча сўзлардаги о товушининг а унлисига алмаштириб талаффуз қилишлари ва Ташкент, Юнусабод, Актепе шаклида хато ёзишлари ёки келди, кетди сўзларининг охириги бўғинидаги и товушини урғули бўғин сифатида рус тилидаги каби кучли ва чўзиқ талаффуз қилишлари каби кўпдан-кўп ҳолатлар бунга мисол бўла олади (3, 80).

Методист К.Қодирова ўзбек талабаларига араб тилини ўқитишда юз берадиган фонетик интерференциянинг келиб чиқиш сабабларини изоҳлар экан, О. А. Ямшчикованинг қуйидаги фикрини келтириб ўтади: “Фонетик интерференция муайян бир кўникмалар тизимининг етакчи сифатида кейинги ҳосил қилинган кўникмаларга самарали таъсири натижасидир. Бошқа тилга ўқитиш методикасида фонетик интерференциянинг психологик феномен сифатидаги асосий хусусиятларидан бири эшитиш — талаффуз кўникмаларининг ўзаро таъсир натижасида нутқнинг бузилишига ва ўрганилаётган тилнинг фонетик тизимини аксинча қабул қилинишига олиб келади” (4, 8).

Қ. Ҳоликбердиев тадқиқот ишида рус мактабларининг 3-синфи ўқувчиларининг оғзаки ва ёзма нутқида учрайдиган фонетик хатоларидан келтирилган мисоллар буни исботлайди. Ўқувчилар хато қилмаслик мақсадида бир товуш ўрнига иккинчи товушни қўллаб, аксинча хатога йўл

қўядилар: шкаф ўрнида шкаф, яхши ўрнида яхши, улар ўрнида ўлар, тоқ ўрнида тоқ ва ҳ.к. Тадқиқотчи бундай хатоликларнинг сабабларини қуйидагича изоҳлайди:

1. Аввало, қ, ғ, о, ў, ҳ, нг товушларининг ўқувчиларнинг ўз она тилисида йўқлиги бўлса, иккинчидан, нутқ органларининг ҳали бу товушларни ҳосил этишга ўрганмаганлиги.

2. Ўзбек тилида и ва у унли товушлари редукцияга мойил товуш эканлиги, рус тилида бу товушлар урғули бўғинда редукцияга учрамай аниқ талаффуз этилиши.

3. Ўзбек тилидаги “л” ундошининг юмшоқ талаффуз этилиши, айниқса тор унли у ва ўрта тор унли ў дан кейин унинг бу хусусияти яна ҳам кучлироқ эканлиги, масалан, булбул, гул, ўлча, ўлка сўзларининг юмшоқ “л” каби талаффуз этилади ёки баъзан бунинг акси ҳам бўлади (1, 41).

Академик Л. В. Шчерба ўз вақтида: “Иккинчи тил таълимида ҳар доим она тилининг салбий таъсири сезилиб туради. Она тилини биз ҳар қанча ҳайдашга уринмайлик, чет тилларни ўқитишда у хамиша ёнма-ён туради. Шу боис биз ушбу “душман”ни “дўстимиз”га айлантиришимиз керак бўлади” деб таъкидлаган эди (8, 38). Мазкур “душман”ни “дўст”га айлантириш учун тилларни қиёслаш методидан фойдаланиш керак бўлади, яъни ўқувчининг она тили билан ўрганилаётган тил ўртасидаги умумий, ўхшаш жиҳатларни ва, аксинча, фарқли, ноўхшаш жиҳатларни аниқлаш, ушбу фарқли жиҳатларни олдиндан тушунтириб бориш орқали келиб чиқиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш, ўқувчиларнинг талаффузига мунтазам эътибор бериш, улар нутқидаги энг кичик хатони ҳам ўз вақтида тўғрилаб бориш мақсадли бўлади.

Тиллар ўртасидаги ўхшашлик ва фарқли жиҳатлар ҳақида огоҳлантириш айниқса тилларни ўрганишнинг бошланғич босқичида ўқувчи нутқида юз бериши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олишда самарали натижа беради. Масалан, 2-синфда нутқ товушларининг талаффузини ўргатиш жараёнида, айниқса, ўзбек тилининг специфик нутқ товушлари (ў, қ, ғ, ҳ) талаффузига жиддий эътибор бериш, ўзбек тилидаги и, у унлиларининг қисқа ва чўзиқ айтилишини, уларнинг (келди, кетди, узун [узин] каби) урғули ва урғусиз бўғинларда фарқланмаслигини амалий томондан ўзлаштириб борилиши о унлисининг а билан, ў унлисининг у товуши билан, қ, ғ ундошларининг к, г товушлари билан алмаштириб айтилиши ва шундай ёзилиши каби жиддий, қўпол хатоликларни бартараф қилишга ёрдам беради.

3–4-синфларда ушбу талаффуз меъёрларини қўш унли ва қўш ундошларнинг талаффузи ҳақидаги маълумотлар билан бойитиш орқали русийзабон ўқувчилар томонидан иккита бир хил ундошнинг битта товуш каби талаффуз қилинишини (катта ўрнида ката, икки ўрнида ики шаклида) тўғрилаб бориш, талаффуз билан боғлиқ бундай хатоларнинг юқори синфларгача, ҳатто ўрта ва олий таълим босқичларигача ўтиб кетмаслигига ёрдам берган бўлар эди.

Фонетик интерферентив хатоликларни бартараф этишга қаратилган машқларни бошланғич таълим босқичидан (ҳатто мактабгача таълим муассасаларидан) бошлаб тизимли равишда йўлга қўйилсагина, муайян самарадорликка эришиш мумкин. Шу боис тил ўрганишнинг илк бошланғич даврида специфик нутқ товушлари талаффузини ҳар дарсда такрорлаш йўли билан мустаҳкамлаб бориш, ушбу товушларнинг артикуляциясини сингдиришга қаратилган махсус машқлардан, “Бу — хато!”, “Бу — тўғри!” эслатмаларидан мунтазам фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Бирок бир гуруҳда бир неча тилларнинг вакиллари таҳсил оладиган шарт-шароитда ўқувчиларнинг она тиллари билан боғлиқ бўлган интерферентив машқларни ўтказишнинг имкони йўқ, албатта. Бу ўринда шунини таъкидлаш керакки, бугунги кунда таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактабларда ва русийзабон гуруҳларда тузилиши ва товуш тизими бутунлай фарқ қилувчи рус, татар, тожик тилларининг вакиллари келиб чиқиши ва тузилишига кўра бир-бири билан қариндош, бирок сингармонизм ҳолати мавжудлиги туфайли нутқ товушлари талаффузида ҳам кўплаб фарқли хусусиятлар мавжуд бўлган қорақалпоқ, қозоқ, қирғиз, туркман тиллари вакиллари билан бирга ўқиши ўзбек тилини ўргатишда жиддий қийинчиликлар юзага келишига олиб келмоқда.

Жумладан, қардош тил вакилларида нутқ товушлари талаффузида қуйидаги хато ҳолатлар кўп учрайди:

А ва О унлиларининг нутқда кўп ҳолларда алмаштириб қўлланиши (масалан: йА(о)ввойи, БА(о)зор каби);

Ж ундоши сўз бошида келган ҳолларда ўзбек тилида Й товушига ўтиши туфайли ўқувчилар деярли барча ўринларда Ж ундошини Й ундошига алмаштириб қўллашлари (йўл — жол, йўқ — жўқ, ёмон — жаман, я(Я)хши — жақси каби) ва шу туфайли хатолар сонининг кўпайиб кетиши;

Ғ ундошини В ундоши билан алмаштириб қўллаш, яъни тоғ — таВ, оғиз — аВуз, тўғрамоқ — туВрамақ каби;

Қ ундошини Ғ ундоши билан алмаштириб қўллаш (чиқиб — шиҒип) ва шундай ёзиш ҳолатлари;

К ундошининг Г ундоши билан алмаштирилиши ва сўз охирида келганда, тушириб талаффуз қилиниши ва шундай ёзилиши (экин — эГин, кўрсаткич — кўрсатГич, кичик — кичи);

Ч ундошининг Ш ундоши билан алмаштириб қўлланиши (чой — шой) каби (9, 24).

Генетик жиҳатдан ҳам, тузилишига кўра ҳам турли гуруҳларга мансуб бўлган рус ва тожик тилларида фарқли хусусиятлар янада кўпроқ бўлиб, уларда:

— фақат у ёки бу тилда мавжуд бўлган унли ва ундош товушлар;

— талаффузида қисман фарқли жиҳатлар мавжуд бўлган товушларни ажратиш олиш ва улар устида махсус иш олиб бориш керак бўлади. Жумладан, рус тили вакилларида ўзбек тилини ўргатишда ўзбек ва специфик ва талаффузида қисман фарқли жиҳатлари бўлган қуйидаги товушлар талаффузи устида давомли равишда иш олиб борилиши керак бўлади:

1. Ўзбек тилида мавжуд бўлган, рус тилида эса мавжуд бўлмаган специфик нутқ товушлари: Қ, Ғ, Х, Нг, Ж (қоришиқ ундош) ундошлари, О унлиси.

2. Ўзбек ва рус тилларида мавжуд, бирок талаффузида қисман фарқ қилувчи нутқ товушлари: масалан, Л ундошини русийзабонлар ёки қаттиқ вариантда (лола) ёки юмшоқ вариантда (булбул) талаффуз қиладилар, ўзбек тилидаги Л ундоши эса ушбу товушларнинг ўртасида талаффуз қилинади.

3. И унлисининг қисқа талаффуз қилиниши: ўзбек тилида И унлиси фақат Й товушидан олдин келганда чўзиқ айтилади, қолган барча ҳолларда қисқа айтилади. Бирок русийзабон ўқувчилар урғу тушган (ударная позиция) ва урғудан олдинги (передударная позиция) бўғинларда

И унлисини ҳамиша чўзиқ талаффуз қиладилар: би:р, икки:нчи: каби. Ҳар икки ҳолат ҳам она тилининг салбий таъсирида юз беради.

Бу ўринда нафақат русийзабонлар, балки тожик тилида ҳам О унлисининг талаффузи ўзбек тилидаги О унлисидан фарқ қилиши ҳам кўзда тутиш керак бўлади.

Шунингдек, рус тилидаги унлиларнинг урғули ва урғу олмаган вазиятлардаги талаффуз меъёрлари, ўзбек тилида сўз охирида ундошларнинг жарангсизлашиш хусусиятлари, иккиланган ундошлар талаффузи билан боғлиқ орфоэпик меъёрлар русийзабон ўқувчиларнинг ўзбекча талаффузида сезилиб туради.

Албатта, бундай ҳолатларда ўқувчиларга индивидуал ёндашиш, уларнинг она тилидаги бу каби хусусиятларни киёслаб тушунтирган ҳолда, уларни олдиндан огоҳлантириш ва албатта ўзбек тили дарсларида специфик нутқ товушларини тўғри талаффуз қилишга қаратилган қуйидаги каби машқ турларидан мунтазам қўллаш керак бўлади:

- ... товушларининг талаффузини диққат билан эшитинг;
- ... товушларини намунадагидек талаффуз қилинг;
- эшитинг ва биргаликда талаффуз қилинг;
- эшитинг, талаффуздаги хатони топинг;

Бошланғич таълимда қаторлар ўртасида мусобақа ташкил этиш, ким тўғри талаффуз қилади каби ўйинларни ташкил этиш ва тез-тез ўтказиб туриш тўғри талаффуз меъёрларини мустаҳкамлашга ва специфик нутқ товушларини тўғри талаффуз қилиш кўникмаларини шакллантиришга шарт-шароит яратади. Специфик нутқ товушларини тўғри талаффуз кўникмаларини шакллантириш ишларини юқори синфларда ҳам, ҳатто зарурат туғилса, олий таълимда ҳам давом эттирилиши керак. Шу боис ўзбек тили дарслари жараёнида эталон талаффуз устида ишлаш, бунинг учун аудиовоситалардан кенг фойдаланиш ва ўқувчиларнинг тўғри талаффуз қилиш, тўғри ўқиш, ифодали ўқиш кўникмалари устида мунтазам иш олиб бориш керак бўлади. Бунда қуйи синфларда ушбу кўникмаларни юқорида қайд этилганидек, ўқитувчининг ёки аудиотасма орқали эшиттирилган эталон талаффузга тақлид қилиш, тўғри талаффузни қайта-қайта такрорлаш орқали мустаҳкамлаш орқали шакллантириш, юқори синфларда матн таркибидаги янги сўзлар талаффузини ўзлаштиришда мобил иловалардан фойдаланиш самарали натижа беради.

Афсуски, кўп ҳолларда атроф-муҳитда тил соҳибларининг турли шеваларда гапиришлари, фан ўқитувчиларининг нутқида ҳам шеваларга хос унсурларнинг кўплаб учраши, ҳатто талаффуз меъёрларида ҳам айрим товушларнинг шевалар таъсирида талаффуз қилиниши тил муҳити мавжуд бўлган шарт-шароитда ҳам тил ўрганувчилар учун муайян тўсиқларни юзага келтирмоқда. Айрим ўқитувчиларнинг нутқида учрайдиган шевага хос талаффуз хатоларини ҳам бартараф этишга жиддий эътибор қаратиш заруратга айланаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Чунончи, Хоразм, Бухоро, Қашқадарё, Наманган, Тошкент шеваларида учрайдиган Қ, Ғ товушларини К, Г тарзида, У товушини қисқа ва чўзиқ вариантларда қўллаш; У товушини И деб талаффуз қилиш; Ҳ ва Х товушларини фарқламаслик каби талаффуз хатолари бошланғич таълимдаёқ ўқувчилар томонидан эталон талаффуз сифатида қабул қилинади. Кейинчалик ушбу шаклланиб бўлган кўникмаларни қайта шакллантириш ниҳоятда қийин кечади, чунки ўқувчида шаклланиб бўлган кўникмалар кейин тўғри кўникмаларни шакллантиришда интерферентив тўсиққа айланади.

Талабаларнинг луғавий бойлигини ошириш, ёзма саводхонлигини назорат қилиш ва ўзбек тилидаги орфоэпик талаффуз меъёрларини

яхшилаш, қоидаларни амалий қўллай олишга ўргатишда тинглаб тушуниш машқларининг ўрни ниҳоятда муҳим бўлиб, уларни аудиовоситаларни қўллаган ҳолда мунтазам ўтказиб туриш жуда самарали натижа беради.

Тинглаб тушунишга оид матнларни аудiotасмалар ёки ўқитувчининг ўзи томонидан ифодали ўқиб эшиттирилади. Бундай топшириқлар 3–5 дақиқа вақт ичида бажартирилади ва талабалар билимини жорий баҳолаб бориш, уларнинг ёзма нутқларини ҳам назорат қилиб бориш, ҳуснихат малакаларини шакллантиришга, ўқитувчилар томонидан талабаларнинг дафтарларини вақти-вақти билан назорат қилиб турилишини ҳам таъминлашга катта ёрдам беради.

Афсуски, ўзга тилли ўқувчи-талабаларнинг ўзбек тилидаги талаффуз кўникмаларининг шаклланганлик даражалари ва ўзбекча нутқни қанчалик даражада тушунишлари баҳолаш меъёрларида ўз аксини топмай келмоқда. Бу ўзбек тили дарсларида бошланғич таълим босқичидан бошлаб тўғри талаффуз кўникмаларини шакллантиришга жиддий эътибор қаратиш, ўзбек тилидаги специфик нутқ товушлари талаффузи, урғу, гапларни жумлаларга тўғри ажратиш талаффуз қилишга доир машқ турларини дарсликларга киритиш ва, албатта, дарс жараёнида эталон талаффуз намуналари берилган аудиовоситалар билан ишлаш, эшитиш машқларини кенг йўлга қўйишни тақозо этади. Амалдаги “Ўзбек тили” дарсликларига, масалан, ОТМлар рус гуруҳлари 2012йилда чоп этилган “Ўзбек тили” дарслигида эшитиш машқлари алоҳида рукн сифатида берилган бўлиб, жумладан, қуйидаги каби топшириқлар киритилган:

Эшитиш машқи. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Она тилим” шеърини диққат билан тингланг. Специфик нутқ товушларининг талаффузига эътибор беринг. Шеърни ифодали ўқинг ва ёд олинг (3, 9).

Эшитиш машқи. “Ўзбекистон дарёлари” матнини диққат билан тингланг. Матндаги сўзларни жадвалга мос ҳолда ёзиб боринг ва тузилишини изоҳланг. Матнни давом эттиринг (3, 15).

Эшитиш машқи. Матнни диққат билан тингланг ва таянч сўзларни ёзиб боринг. Сўнгра ушбу сўзларнинг маъносини шарҳлаган ҳолда матнни қайта тикланг (3, 20).

Аслида бу каби машқ турларини бошланғич таълим босқичларидан бошлаш мақсадли ва самарали бўлади.

Ўзбек тилини хорижликларга чет тили сифатида ўқитишда тинглаб тушуниш машқларига катта эътибор қаратилади. Бироқ ўзбек тилини тил муҳити мавжуд бўлган шарт-шароитда иккинчи тил сифатида ўқитишда таълим олувчилар кўп сўзлар ва жумлалар маъноси билан аввалдан таниш бўлганликлари учун бундай машқ турлари деярли ўтказилмайди. Юқори синфлар дарсликларида асосан:

— ўқилган ёки ўқиб эшиттирилган матн мазмунини сўзлаб беринг;

— матн нима ҳақидалигини айтинг;

— матндаги асосий фикрни топинг;

— шеърни ифодали ўқинг;

— ажратиш кўрсатилган сўзларга эътибор беринг каби топшириқлар устида ишланади. Бироқ шеърни ифодали ўқишда айнан нимага эътибор қаратиш, қайси сўзни қандай ўқиш, қаерда ва неча марта тўхтаб қилиш, шоир ифодаламоқчи бўлган ғояни тушунишга қаратилган иш турлари ўтказилмайди.

Бугунги кунда таълим бошқа тилларда олиб бориладиган мактаблар учун чоп этилаётган айрим “Ўзбек тили” дарсликларини бевосита тил

кўникмаларини шакллантиришга йўналтириб яратилаётганини таълим ислоҳоти натижаларидан бири деб ҳисоблаш мумкин. Ўзбек тилини ўзга миллат вакилларига ўргатиш жараёнида аудиовоситалар, замонавий педагогик технологиялар, таълимий ўйинлардан фойдаланиш орқали тинглаб тушуниш ва тўғри талаффуз машқларини мунтазам ўтказиб туриш таълим сифати самарадорлигига эришишда яхши натижалар беради. Хусусан, адабий ўқиш учун берилган шеърлар, асарлар мазмунини сўзлаб бериш, шеъринг асарлар устида ишлашда унинг мазмунини ақс эттирувчи расмлар бериб борилиши ўқувчиларга шеър ғоясини тушуниб етишга, шеърларнинг аудиодискка ёзилган вариантини эшиттириш, ўқувчиларни суҳандон билан бирга ўқиш машқларини бажаришга жалб қилиш эса талаффузга оид муаммоларни ҳам бартараф этиб боришга имкон яратади.

Матнда ажратиб кўрсатилган сўзлар талаффузига эътибор бериш топшириғи, бизнингча, аслида тингловчиларга тааллуқли бўлиб, талаффуз хатоларини ўқитувчи (ёки бошқа ўқувчилар) илғайдилар. Бундай хатолар қайси синфда учрашидан қатъи назар талаффуз хатолари устида мунтазам иш олиб борилиши, тинглаб тушуниш кўникмасини шакллантириш сўзлар, жумлалар, матнларни ўзлаштириш жараёнида энг муҳим иш турларидан бири ҳисобланиши керак. Умуман, тил ўрганишда нутқ товушларини тўғри талаффуз қилиш, гап оҳанги, нутқ темпи каби оғзаки нутқ равонлиги билан боғлиқ воситаларни ўзлаштиришнинг аҳамияти катта. Бироқ буларни қисқа фурсатда эгаллаш узоқ муддатни талаб этади, яъни бир-икки машқдан кейинроқ тегишли нутқий равонлик даражасини бермайди. Нутқий равонлик бир қатор машқлар сўнгидагина қўлга киритилади. Муайян тил кўникмаларини шакллантириш қатъий режа асосидаги лексик-грамматик ва нутқий машқларни бажаришни талаб этади.

Кўринадики, нутқий равонлик бир қатор машқлар сўнгидагина қўлга киритилади. Мунтазам ва узлуксизликда иш олиб борилса, дарсдан дарсга, машқдан машққа ҳосил қилинган кўникманинг сифати яхшиланиб боради, баъзан ҳатто малака даражасига етади.

Хулоса сифатида айтиш мумкинки, ўзга тили гуруҳларда ўзбек тилини ўқитишни самарали ташкил этиш ўзига хос ёндашувлар, методлар ва усуллардан фойдаланиш зарурлигини кўрсатади. Ўзбек тилини иккинчи тил сифатида ўқитишда асосий эътибор, аввало, ўқувчи-талабаларни айтилаётган сўзлар ва жумлаларни тинглаб тушунишга ва шу тилда сўзлашга қаратилиши керак бўлади. Ушбу мақсаддан келиб чиқиб, ўзбек тили дарсларини ўқувчиларга тақдим этиладиган билимлар уларда нутқ фаолиятининг тинглаб тушуниш, гапириш, ўқиш, ёзиш турлари бўйича амалий кўникмаларни ривожлантиришга йўналтириб ташкил этилиши зарур бўлади. Бироқ амалий нутқ кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган механизмининг ишлаб чиқиш, нутқий кўникмаларни шакллантиришнинг ихчам, компакт моделларини яратишдир. Бу ҳозирги замон дидактикасининг муҳим масалаларидан бири ҳисобланади.

Қайд этганимиздек, бундай хатоларни бартараф этиш учун ўрганилаётган тил ва тил ўрганувчининг она тили ўртасидаги ўзаро фарқли жиҳатларни олдиндан тушунтириб бориш орқали келиб чиқиши мумкин бўлган хатоларнинг олдини олиш, ўқувчиларнинг талаффузига мунтазам эътибор бериш, улар нутқидаги энг кичик хатони ҳам ўз вақтида тўғрилаб бориш хато талаффуз шаклланишининг нутқда ўрнашиб қолиши ва кўникмага айланиб қолмаслигига ёрдам беради.

Шунингдек, айнан ўқитувчилар нутқида шева таъсирини йўқотиш, адабий тил меъёрларига жиддий эътибор қаратиш, ўқувчиларни адабий тилда олиб бориладиган оммавий ахборот воситалари билан кўпроқ мулоқотда бўлишини таъминлаш ҳам уларда ўзбек тилининг орфоэпик меъёрларини тўғри шакллантириб боришга олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Holiqberdiev Q. O'qishlar rus tilida olib boriladigan maktablarda o'zbek tilidan dastlabki ta'lim: Ped. fan. nom. ... dis. — Toshkent: 1971. — 243 b.
2. Irisqulov M.T. Til va adabiyot talim jurnali muharririga bergan intervyusi// Til va adabiyot talimi. — №1. — T., 2017. — B. 27–33..
3. Muxitdinova X.S., Salisheva Z.I., Po'latova X.S. O'zbek tili (oliy o'quv yurtlari rusiyazon guruhlari uchun darslik). — Toshkent: O'qituvchi, 2012. — 288 b.
4. O'zbek tilini o'qitishda uzluksizlikni ta'minlashning ilmiy-metodik asoslari (monografiya). — Toshkent, Fan va texnologiyalar, 2008. — 238 b.
5. Джусупов М. Лингвотипологические, социолингвистические и лингводидактические проблемы обучения неродному языку // Филология масалалари. — Тошкент, 2002. — № 1–2. — 214 с.
6. Кадырова К. С. Преодоление фонетической интерференции при обучении арабскому языку в узбекской аудитории: Автореф. ... канд. пед. наук. — Ташкент, 2008. 23 с.).
7. Пассов Э.И. Теоретические основы обучения иноязычному говорению в средней школе. II часть.: дисс. ...доктора пед. наук. — Липетск, 1980. — С. 48.
8. Щерба Л. В. Преподавание иностранных языков в средней школе // Общие вопросы методики. / Под ред. Рахманова И.В. Изд. 2-э. — Москва: 1974. — 112 с.
9. Юсупова Г.А. Бўлажак педагогларнинг лингвистик компетенцияларини компетенцияларини шакллантиришда аралаш таълимдан фойдаланиш методикаси. — Урганч, 2020.— 145 б.

References

1. Holiqberdiev Q. *Uqishlar rus tilida olib boriladigan maktablarda uzbek tilidan dastlabki ta'lim* (Primary education in Russian language schools), Ped. science. name. ... the dis. Tashkent, 1971, 243 p.
2. Irisqulov M.T. *Til va adabiyot talimi*, No.1, 2017, — B. 27–33.
3. Muxitdinova X.S., Salisheva Z.I., Po'latova X.S. *Uzbek tili, oliy uquv yurtlari rusiyazon guruhlari uchun darslik* (Uzbek language, a textbook for Russian-speaking groups of higher educational institutions), Toshkent: Uqituvchi, 2012, 288 p.
4. *Uzbek tilini uqitishda uzluksizlikni ta'minlashning ilmiy-metodik asoslari*, (Scientific and methodological bases of ensuring continuity in the teaching of Uzbek language, Toshkent: Fan va texnologiyalar, 2008, 238 p.
5. Dzhusupov M. *Filologiya masalalari*, No.1–2, 2002, — 214 b.
6. Kadyrova K. S. *Preodolenie foneticheskoi interferensii pri obuchenii arabскому yazyku v uzbekskoi auditorii*: (Overcoming phonetic interference in teaching Arabic in the Uzbek audience), Abstract of the Candidate of Pedagogical Sciences, Tashkent, 2008, 23 p.
7. Passov E.I. *Teoreticheskie osnovy obucheniya inoyazychnomu govoreniyu v srednei shkole* (Theoretical foundations of teaching foreign language speaking in secondary school), part of it: diss. ...doctor of Pedagogical Sciences, Lipetsk, 1980, 48 p.

8. Shcherba L. V. *Prepodavanie inostrannykh yazykov v srednei shkole* (Teaching foreign languages in secondary school.), Moskva, 1974, 112 p.
9. Yusupova G.A. *Bulazhak pedagoglarning lingvistik kompetentsiyalarini shakllantirishda aralash ta"limdan foidalanish metodikasi* (Methods of using mixed education in the formation of linguistic competences of future teachers), Urganch, 2020, 145 p.